

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



Шу кунларда бутун республикаимиз бўйлаб Хотира ва Қадрлаш куни кенг нишонланмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида мусавво осмонимиз ва порлоқ келажгимиз учун жонини аямасдан курашган Ватан ўғлонларига ҳурмат-эҳтиром ва таъзим бажо келтирилмоқда.

Шундай шукуҳли байрам арафасида Пискент туманидаги "Саидобод" маҳалла фуқаролар йиғинида истикомат қилувчи Эргаш бобо Каримов 100 баҳорни қаршиладилар. Табарруқ инсонни табриклаш учун юртимизнинг турли ҳудудлари, ҳатто хорижий давлатлардан келадиган меҳмонларнинг кети узилмапти. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчининг хонадонига ташриф буюрган ҳар бир инсон ўз дил сўзлари ва тилак-истакларини катта ҳаяжон билан билдирмоқда.

Эргаш бобо Каримов 1939 йилда ҳарбий хизматга қақрилиб, немис босқинчиларини Берлин шаҳригача қувиб борди. Украина, Беларусь, Чехославакияни озод этишда иштирок этди. Шафқатсиз жанглар давомида бир неча маротаба огир яраланишга қарамай, курашни давом эттирди. Кўрсатган жасорати учун ўнлаб орден ва медаллар билан тақдирланди.



## БИР АСР ҲИКМАТИ ВА ШУКРОНАСИ

Фронтдан қайтгач, Эргаш бобо пахтачилик ва мева-сабзавотчилик билан шуғулланди. Турмуш ўртоғи Холбуви ая билан 4 ўғил ва 4 қизни тарбиялаб, вояга етказди. Бугунга келиб, бу муқтарам инсоннинг 30-невара ва 45 нафар эвараси бор.

Шундай отамиз борлигидан фахрланамиз, албатта. — Ҳозирги кунда туманимизда 8 та Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси ва 65 та фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар истикомат қилишди, — дейди "Нуроний" жамғармаси Пискент тумани бўлими раиси Жўракул Отақулов. — Давлатимиз раҳбарининг катта эътибори ва ғамхўрлиги туфайли улар доимо эъзозда. 2018 йилда икки нафар Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бепул Ҳаж зиёратини амалга оширишди. Тўрт киши эса, Россия Федерациясининг Кисло-

водск шаҳридаги етакчи са-наторийларда даволаниб қайтишди. Тумани кезар эканмиз, 2018 йилда вилоятимизда биринчилардан бўлиб барпо этилган "Нуронийлар" масканига кўзимиз тушди. Бу ерда замонавий кутубхона, тиббиёт пункти, спорт зали ва янги дизайнли ошхона ишлаб турибди. Маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилган 2 млрд. 230 млн. сўмлик маб-лағ эвазига бунёд этилган мажмуада аҳоли мириқиб ҳордиқ чикармоқда. Бу ерда кекса отахонларимиз кўнгли ёзиб, бир пилла чой устида

дам олишса, ёшларимиз жисмоний машқлар ёрдамида соғлиқларини мустаҳкамлаб, китоб ўқиш билан машғул бўлмоқдалар. Турли авлод вакилларининг ўзаро мулоқотга киришиши, фикр алмашиши, ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Масалан, яқинда қарияларнинг маслаҳати билан 4-умумтаълим мактаби ўқувчилари мажмуа атрофига 50 тупдан ортик мева дарахтлар экишди.

Ҳамидулла УБАЙДУЛЛАЕВ  
Мансур ХИММАТОВ  
олган сурат

### Сайёр қабул



Оҳангарон ва Чирчиқ шаҳарлари ҳамда Оққўрғон ва Паркент туманларида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси ўринбосарлари Бахтиёр Исаков, Холмўмин Ёдгоров ҳамда Олий суд судьялари томонидан оммавий сайёр қабуллар ўтказилди. Унда аҳолининг жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий судларга оид муурожаатлари тингланди.

## СИЗНИ ЭШИТАМИЗ, ЗАМОНДОШ

— Ўтказилган сайёр қабуллар давомида жами 132 нафар фуқаронинг муурожаати тингланб, уй-жой, мол-мулк, оммавий ҳуқуқий муносабатлар, маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ масалалар юзасидан суҳбатлашилди, — дейди Олий суд раиси ўринбосари Холмўмин Ёдгоров. — 65 та муурожаат бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди. 9 та ариза қабул қилинди. 58 та муурожаат жойида қаноатлантирилди. Қабулга келган фуқаролардан 1 нафари жиноят ишлари бўйича Наманган вилояти Наманган шаҳар судининг 2007 йилдаги ўзига нисбатан чиқарилган суд ҳукмидан норози эканлигини билдириб, назорат тартибиди шикоятини қолдирди.

Давоми 2-бетда ➡

## «ШАРАФ ЛЕНТАЛАРИ» УЛАШИЛМОҚДА

Президентимизнинг 2019 йил 23 апрелдаги "Хотира ва Қадрлаш кунига тайёрларлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ҳамкор ташкилотлар билан бирга қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда.

### Акция

Хусусан, жорий йил май ойининг биринчи ўн кунлиги Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тизимида "Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият" шиори остида декада эълон қилинди. Шу асосда Иккинчи жаҳон урушида матонат кўрсатган ҳамюртларимизга эҳтиром

рамзи сифатида юртдошларимизга "Шараф ленталари" улашиш акцияси ўтказилаяпти. Нурафшон шаҳрининг марказий кўчасида уюштирилган тадбир ҳарбий оркестр ижросидаги тантанавор мусиқа жўрлигида кўтаринки кайфиятда ўтказилди.



Вилоят ҳокимлиги ва Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши ҳамкорлигида ўтказган мазкур акция доирасида фаоллар, аҳоли вакиллари ва хорижлик сайёҳлар кўксига миллий байроғимиз рамзи туширилган "Шараф ленталари" тақиб қўйилди.

— Мазкур тадбирда ёшларимиз жуда фаол қатнашмоқда, — дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши маънавий-маърифий бўлими мудири Наргиза Тажи-муратова. — Зеро, бу ленталар Иккинчи жаҳон уруши

йилларида Ватанимизни мардонавор ҳимоя қилган аждодларимизга ҳурмат ва эҳтиром рамзидир. Уларни эъзозлаш барчамиз учун шарафдир. Дарҳақиқат, "Шараф лента"сини тақдан ҳар бир кишининг қалби ғурур ва ифтихорга тўлиши шубҳасиз.

Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида "Шараф ленталари" улашиш акцияси давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз  
Равшан МИРЗАҚУЛОВ  
олган суратлар

## Сайланган раислар:

Хабарингиз бор, шу кунларда республикаимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби вилоятимизда ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловлари бўлиб ўтмоқда. Мазкур воқелик юртимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий жараён саналади. Уч йил муддатга сайланадиган маҳалла

Шу кун 57-умумтаълим мактаби ҳовлиси байрамона безатилди. Карнай-сурнай садолари маҳалла аҳлига сайлов бошланганидан дарақ берди. Мактаб ҳовлисида ўқувчилар ўз қўллари билан яратган ранг-баранг ижод намуналари намойиш этилди.

Вилоят ҳокими меҳнат фахрийси Ольга Чемерисовага Ўзбекис-

тон Республикаси мустақиллиги бағишлаб чоп этилган китоб-альбомни совға қилди. Ҳоким китоб мутлоаси ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди. Кекса авлод китобхонлиги борасида ёшларга ўрнак бўлиши кераклигини таъкидлади.

"Юксалиш" маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайло-

виги ташриф буюрган вакиллар барча шароитлар муҳайё этилган мактаб залига киришди. Ишчи

гурӯх раиси Олимжон Турсунбоев раислигида сайлов жараёни бошланди.

- Вилоятимизда жами 1 минг 26 та маҳалла фуқаролар йиғинида сайловлар ўтказилади.
- Сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган 1 миллион 788 минг 835 нафар сайловчи номидан 216 минг 641 нафар вакил сайловларда иштирок этиши кутилмоқда.
- Сайловларни ўтказиш ишчи гурӯхлари таркибига 5 минг 848 нафар ходим қамраб олинган.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг

### ҚАРОРИ

## МУБОРАК РАМАЗОН ОЙИНИ МУНОСИБ ТАРЗДА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Тобора ривожланиб, чирой очиб бораётган жонажон Ватанимизда миллий ва диний қадриятларимизга бўлган ҳурмат ва эътиборни янада мустаҳкамлаш, эл-юртимиз учун азалдан эзгулик, саховат, меҳр-мурувват рамзи бўлиб келадиган муборак Рамазон ойини муносиб ўтказиш, ушбу ойда ислом динининг тинчлик, бағрикенглик, шукроналик каби олижаноб ғоялари ҳамда инсонпарварлик моҳиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида:

1. 2019 йил муборак Рамазон ойининг бошланиши 6 май кунига тўғри келиши ҳақидаги Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш "Нуроний" жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда Рамазон ойини миллий анъана ва қадриятларимиз руҳида ҳар томонлама муносиб ўтказиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширсин. Бунда:

жойларда Рамазон ойининг мазмун-моҳиятида мужас-сам бўлган инсонийлик, маънавий поклик, шукроналик фазилатларини эъзозлаш, ҳозирги тинч ва фаровон ҳаёти-мизнинг қадрига етиш, одамларни бир-бирига яхшилик қилиш, аҳил ва ҳамжихат бўлиб яшашга даъват этадиган ҳамда улғайиб келадиган ёш авлодни она Ватанга садоқат, миллий ва диний қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбия-лашга хизмат қиладиган маърифий тадбирлар ва тар-ғибот ишларини ташкил этишга;

мурувват, аҳиллик ва ҳамжихатликни улугловчи ушбу фазилатли ойда эҳтиёжманд ва ёрдамга муҳтож оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, буюк алломалар, азиз-авлиёларимизнинг зиёратгоҳларини, қаб-ристонларни ободонлаштиришга қаратилган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида аҳамият берилсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбеки-стон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахбо-рот воситаларига Рамазон ойини ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбеки-стон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов зиммаси-га юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 1 май

### Қарор ва ижро

## СИФАТЛИ ТАОМ ДОРИДАН АФЗАЛ



Маълумки, соғлом турмуш тарзининг энг му-ҳим жиҳати тўғри овқатланишга амал қилиш-дир. Жорий йил 22 февралда вилоят ҳокими-нинг "Вилоятда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳолининг соғлом овқатланиш бўйича санитария маданиятини оширишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинган эди.

Маҳалла раислигида номзоди қўйилган Авлаёр Бобонов ҳамда Гулнора Файзуллаевалар ўзлари-нинг дастурлари билан йиғилган-ларни таништиришди. Сайловчи-лар номзодларга ўзларини қизиқ-тирган қўллаб-қувватлаш билан муурожаат қилишди.

Конунчилиққа киритилган ўзгар-тиришларга мувофиқ, овоз бериш ёпиқ шаклда, яъни, махсус овоз бериш кабиналарида амалга оши-рилди. Мутлақ кўпчилик овоз би-лан Гулнора Файзуллаева "Юксалиш" маҳалла фуқаролар йи-ғини раиси этиб сайланди.

2



□ Халқ билан мулоқот давом этади

## СИЗНИ ЭШИТАМИЗ, ЗАМОНДОШ

Бошланғич 1-бетада

– Сайёр қабулдан кўнглим тўлди, – дейди парктентлик Камолитдин Жалолов. – “Реал альфа транс” МЧЖ билан шартнома имзолаган эдим. Шартнома шартларига кўра, корхонага автомашина учун маблағларни кўнглим тарзда тўловини амалга ошириб борсам, келишил-



ган муддатда эгалик ҳуқуқини олишим керак эди. Мен томондан шартнома шартлари ўз вақтида бажарилди. Афсуски, корхонанинг банкдан қарздорлиги борлиги учун автомашинани ололмаётгандим. Бундай вазиятда қандай ҳаракат қилишни билмасдим. Шикоятим бўйича Олий суд раиси ўринбосари Бахтиёр Исаковдан ҳуқуқий тушунтириш олдим.

Шунингдек, судга оид бўлмаган ишлар билан мурожаат қилган фуқароларнинг муаммолари ҳам тингланди. Улар бўйича жойлардаги мутасаддилар жалб қилиниб, муаммолар ўз ўрнида бартараф этилди.

**Жонибек ТАҒМҲАТОВ,**  
Жинойт ишлари бўйича вилоят суди  
декансига муҳри



## ЗАМОН ШИДДАТЛИ, ФАОЛИЯТ ЖУРЪАТЛИ...МИ?

Тошкент давлат аграр университетиди Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан ўқув-семинар ташкил этилди.

□ Семинар

Ўқув-семинарда Тошкент ва Сирдарё вилоятларидаги давлат ва ҳўжалик бошқарув органлари матбуот хизматлари ходимлари, ҳудудий ОАВлар ҳамда журналистларни тайёрлаш мақсади, Ўзбекистон Миллий ва Тошкент давлат жўжалари университетларининг ўқитувчилари назарий ҳамда амалий билимлари билан ўртоқлашди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ҳозирги замон оммавий ахборот воситалари ходимларининг етарли билим ва тажрибага эга бўлиши, фуқаролик масъулиятини намоён этиши, мамлакатда рўй бераётган ижобий ўзгаришларни дарҳол қамраб ола билиши, ахборот таҳдидлари ва бошқа муаммолар ҳақида тўхталди. Семинар иштирокчилари ОАВ ходимларининг профессионал даражасини ошириш, уларнинг ижодий фаолияти учун муносиб шароитлар яратиш масалаларини батафсил муҳокама қилди.

Шунингдек, семинарда иштирокчилар замоний илғор халқаро тажрибани жорий этиш, интернетнинг чексиз имкониятларидан оқилона фойдаланиш, фикрлашдаги стереотипларни бартараф этиш, коррупция ва порахўрлик билан шайқатсиз тарзда курашиш борасида фикр алмашди.

Хусусан, мутахассислар томонидан мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-этиборини шаклланди.



Нурафшон шаҳрида ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Даврон Назармухамедовнинг навбатдаги сайёр қабули ўтказилди, – дея хабар беради ЎЗА.

## МУРОЖААТ ОРТИДАГИ ТАҚДИРЛАР

Вилоят ички ишлар бошқармаси, маҳаллий ҳокимликлар масъулари, туман ва шаҳар ички ишлар бўлимлари бош-ликлари, тегишли ташкилотлар раҳбарлари иштирок этган сайёр қабулда Нурафшон шаҳри, Оққўрғон ва Чиноз туманлари фуқароларининг ички ишлар органлари билан боғлиқ мурожаатлари тингланди.

Сайёр мулоқотда маз-

кур ҳудуд фуқароларининг ички ишлар органларига ишга жойлашиш, ишга қайта тиклаш, ушбу йўналишда таълим олиш, суриштирув ва тергов ҳаракатлари, паспорт, фуқаролик ва пенсия каби масалаларга оид 60 дан ортиқ мурожаати ўрганилиб, аксарияти жойида ҳал этилди.

– Ички ишлар соҳасида ишлаш ораси билан улғайдим, – дейди



Оққўрғонлик Мавлон Исабоев. – Оилавий шароит сабаб ўқий олмадим. Лекин, тизимда ишлаш истагидан бир зум ҳам чекинмадим. Орзуимга етиш йўлида ҳарбий хизматни ўтаб қайтдим. Ҳозирда мавсумий ишлар билан бандман. Сайёр қабулда профилактика инспекторининг ёрдамчиси лавозимига ишга жойлаштирилганини сўраб мурожаат қилдим. Танловим-

ни қўллаб-қувватлашганидан жуда хурсанд бўлдим.

Сайёр қабулда шунингдек, фуқароларнинг бошқа соҳаларга оид мурожаатлари ҳам тингланиб, уларга зарур ҳуқуқий тушунтириш ва тавсиялар берилди. Ижроси маълум вақт талаб этадиган мурожаатлар бўйича тегишли масъулларга топшириқ берилиб, ижроси назоратга олинди.

## «ҚАЧОН УЙ ОЛАМИЗ, ОЙИ?»

Вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан Ангрен ва Оҳангарон шаҳарларида сайёр қабуллар ўтказилди. Унда сектор раҳбарлари, тегишли ташкилот масъуллари ҳамда фуқаролар иштирок этди.

Сайёр қабул давомида юздан ортиқ аҳоли мурожаатлари тингланди. Уларга амалий ёрдам бериш бўйича тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Муаммоларнинг аксарияти жойида ҳал этилди. Айрим муаммоларни ҳал этиш бир оз вақт талаб қилиши ҳисобга олиниб, мурожаатчиларга тушунтиришлар берилди. Хусусан, Оҳангарон шаҳрида

истиқомат қилувчи 2-гурӯх ногирони Васила Нурумбетова анча йиллардан бери уйга муҳтож бўлиб, фарзандларини қийин шароитда катта қилаётган эди. Унинг мурожаати ижобий ечим топди. Масъуллар томонидан Оҳангарон шаҳри, “Янгилик” маҳалласидан 2 хонали уй берилди.

– Жуда ҳаяжонданман, қувон-

чимни сўз билан ифодалаб бера олмайдман, – дейди В. Нурумбетова. – Бир уйда учта оила яшардик. Шароитимиз огир эди. Фарзандларим доим: “Қачон уй олашимиз?” деб савол берганида ич-ичимдан хўрсинардим. Бугун орзуимиз ушалди. Ўз уйинг бўлса қандоқ яхши. Етказганига шукр, жудаям хурсандимиз.

Шунингдек, қабул жараёнида яна 3 нафар оилага янги уйларнинг қалити топширилди.

**Эрали НОРБЕКОВ,**  
“Тошкент ҳақиқати” мухбири

## ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН ЮЗМА-ЮЗ

Куни кеча Тошкент тумани ҳокимлигида тадбиркорлар билан очик мулоқот ўтказилди.

Тадбирда Тошкент тумани ҳокимлиги, Олий Мажлисининг тадбиркорлик субъектларининг

ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакили, Савдо-саноат палатаси бошқармаси, вилоят Давлат солиқ бошқармаси ва тадбиркорлар иштирок эти.



Очиқ мулоқот давомида ҳудудда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши ва тадбиркорлик субъектларининг олдиди турган муаммоларни бартараф этиш масалалари юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъектларига амалдаги қонунчиликка биноан яратилаётган имтиёз ва қулайлик-

лар, туман тижорат банклари томонидан улар учун ажратилаётган кредитлар ҳақида маълумотлар айтиб ўтилди. Бундан ташқари, тадбиркорларни қийнаётган муаммоларни тезкор ҳал қилиш борасида тегишли ташкилот мутасаддиларига зарурий кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Мулоқот сўнггида туман-

да тадбиркорликни янада ривожлантириш бўйича қатор тақлифлар ўртага ташланди. Бир гурӯх тадбиркор ва фермерлар тижорат банкларининг молиявий кўмағида янги бизнес лойиҳаларини амалга ошириш ташаббусларини билдиришди.

**Ўз мухбири**  
Равшан МИРЗАКУЛОВ  
олган суратлар

Сайловдан сўнг вилоят ҳокими Ғуломжон Ибрагимов сўз олиб, “Оқсалиш” маҳалласи “Обод маҳалла” дастурига киритилгани, ҳудудни ободонлаштириш, аҳоли учун барча зарур шароитларни яратишда нафақат шаҳар, балки вилоят ҳокимлиги ҳам бош-қош бўлишини маълум қилди. Аҳолидан мавжуд муаммоларни ечишда фаол қатнашишни сўради. Маҳаллани обод қилишга ҳар бир хонадон ўз ҳиссасини қўшиши

жумладан, узоқ йиллар саноат соҳасида меҳнат қилган Мўмин Орипов жамоат ишларида фаоллиги билан ажралиб туради. Яна бир номзод Ғўзал Назирқулова туман хотин-қизлар кўмитаси раиси сифатида кўп йиллар давомида аҳолини ўйлантираётган масала-муаммолар ечимини топишда катта тажриба орттирган.

Сайловга йиғилган маҳалла ахли номзодларнинг сайловолди дастури билан танишди. “Маҳалла фуқаролар

зиркулова номзодини ёқлаб овоз берди.

– Сайловнинг қонун талаблари асосида ўтишига яхши тайёргарлик кўрилган, – дейди вакиллардан бири Ш. Исломбеков. – Жараён юқори савияда, демократик принципларга амал қилинган ҳолда ўтди.

Янги раиса маҳаллани обод қилиш, оилаларда соғлом маънавий муҳитни қарор топтириш, халқ дардида мал-халқ бўлишдек шарафли ва масъулиятли вазифаларни

## БЕШ УСТУВОР ТАШАББУС – ЁШЛАР МАЪНАВИЙ КАМОЛОТИ САРИ

Қибрай туманидаги “Дўрмон” маданият саройида ўтказилган кўргазмалар маънавий-маърифий тадбир шундай номланди.

□ Партиялар  
ҳаётидан



Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлари, партия сиёсий кенгаши вакиллари, Қибрай туманидаги таълим муассасалари ўқитувчилари ҳамда ўқувчи-ёшлар иштирок этди.

Тадбирда мамлакатимизда ёшларни маданият, санъат ва спортга кенг жалб этиш, улар ўртасида ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш, кўнглимизни шакллантириш,

5 та ташаббус доирасида барча ҳудудлар, хусусан, Бўка туманида ёшларни турли фан, санъат ва спорт тўғрисидаги жалб этиш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг китобхонлик маданиятини юксалтириш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилаётган.

Мазкур 5 ташаббусни тарғиб этишга бағишланган тадбирда партия вилоят кенгаши қўшида ташкил этилган истеъдод клуби аъзоларининг расмийлик, ҳунармандчилик ва дастурий ишланмаларидан иборат кўргазмаси, спортнинг қаратэ

ва гимнастика тури билан шуғулланувчи ёшларнинг бадиий чиқишлари намойиш этилди.

Тадбир доирасида шунингдек, компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга бағишлан-



ган дастурий ишланмалар намойиши, китоб ярмаркаси, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари шахсий кутубхонасидан ўқувчи-ёшларга китоблар совға қилишди.

**Ўз мухбири**  
Мансур ХИММАТОВ  
олган суратлар

## ОИЛА БАРАКАСИ

Оилаларни тадбиркорликка жалб қилиш борасида Чиноз туманида ҳам кенг қамровли ишлар олиб борилаётган.

□ Имконият

– Жамоамиз асосан ёшлардан иборат, – дейди АТ “Халқ банки” Чиноз филиали бошқарувчиси Ўктамон Хатамов. – Ёшларнинг маънавиятини, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш мақсадида маҳаллалар аҳолиси билан кўпроқ мулоқотда бўлишга ҳаракат қилаёмиз. Ташкилотимиз 4-сектор мутасаддилари билан ўзарига бириктирилган ҳудудда кенг ҳаждаги тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйган.

Хусусан, йил бошидан буён ҳудудимиздаги 13 та маҳалланинг 3,5 мингдан зиёд оилалари атрофлича ўрганиб чиқилди. “Ҳар бир оила – тадбиркор” шиори остида иш олиб бориб, 63 та оиланинг кредит олишини таъминладик. Мазкур оилалар банкдан кредит олиб, ўз томоқларида тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборишди. Шунингдек, аҳолига пенсия ва нафақа пуллари ойма-ой вақтида етказиб берилмоқда.

**Юлдузхон ФАЗЛИДИНОВА**

## Сайланган раислар: «ЭНДИ УЧ ЙИЛ ЭЛ ДЕБ ЯШАЙМИЗ!»

кераклигини таъкидлади. Бу вазифаларни бажаришда эса маҳаллаларнинг янги сайланаётган оқсоқоллари энг олдинги маррада туриши кераклигига алоҳида тўхталди.

Пискент туманидаги “Лолаарик” маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови очик, ошқора ва холис ўтди. Маҳалла раислигига катта ҳаётий тажрибага эга, кўпчиликнинг ҳурматига сазовор бўлган, одамлар манфаатини ўз манфаатидан устун қўйувчи фидойи ва серғайрат инсонлар сараланган эди.



йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисидаги Қонунга мувофиқ, сайлов жараёни ёпиқ овоз бериш тартибиде ўтказилди. Вакиллар ёпиқ кабиналарда бюллетенни тўлдириб, махсус кутига ташлашди. Сайлов натижаларига кўра, маҳалла аҳолисининг 77,5 фоизи Ғўзал На-

сидқидилдан бажаришга ваъда берди.

Куйи Чирчиқ туманида ҳам маҳалла раиси (оқсоқоли) сайловлари кўтаринки руҳда бошланди. Ҳар бир сектор раҳбарлари эрта тонгдан ўз ҳудудларидаги маҳалла фуқаролар йиғинларида сайловларни қонун талабларига қатъ-

ий амал қилган ҳолда ўтказишга киришилди. Хусусан, “Йилкичи” маҳалласида сайлов байрамона тўсда бошланиб, сайловчилар жараёни кўтаринки кайфиятда ўтказишди. 45-мактаб биносиде бўлиб ўтган сайловда жами 121 нафар вакилнинг 91 нафар номзодлар орасидан

Маърипали Абдуназаровга овоз беришди.

Олмалиқ шаҳар прокурори сектори ҳудудиде жойлашган “Бўстон” маҳалласидаги 3-мактабдаги жараён ҳам қизғин ўтди. Ушбу сайлов участкасида 132 нафар вакил иштирок этди. Маҳалланинг амалдаги раиси Акмал Икромов вакилларнинг 50 фоиздан юқори овозини тўлаб, тақдоран раис этиб сайланди.

Шаҳар ИИБ бошлиғи секторига қарашли У. Носир

да фаол тарзда ўтказилди. Аввалдан тузилган ишчи гурӯҳи тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўрган эди. Шу муносабат билан ҳудуддаги академик лицей биноси сайловга мос безатилди. Сайловда вакилларнинг тўлиқ иштироки таъминланди. Номзодлар ўз дастурини баён қилиш учун имконият яратилди. Яхши тайёргарлик кўрилгани боис, сайлов қутилганидан ҳам зиёда ўтди. Санок комиссияси яширин овоз бериш натижаларини эълон қилди. Унга кўра, 75 фоиз овоз олган Шукӯр Рустамов мазкур маҳалла фуқаролар йиғини раиси этиб сайланди.

– Шаҳримизда 15 маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд, – дейди Фуқаролар йиғинлари раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва уни ўтказишга кўмаклашувчи Янгийўл шаҳар комиссияси раисининг ўринбосари Абдугани Абдумажидов. – Мана, бу маҳаллада сайловнинг юқори савияда, демократия тамойиллари асосида ўтказиб олдик. Бугунги сайлов қолганларини ҳам шу даражада ташкил этиш ва ўтказишмизда намуна бўлиб хизмат қилади.

Вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарлари маҳалла фуқаролар йиғинларида ҳам сайловлар уюшқоқлик билан ўтмоқда.

**«Тошкент ҳақиқати»**  
мухбири хабарлари  
асосида тайёрланди.







## Шукроналик

Бутун башариятга яхшилик ва ҳидоят илиниб, муборак ой — Рамазони шариф эшик қоқмоқда. Табаррук ойни юртимиз мусулмонлари тинчлик-офиятда, эмин-эркинлик билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқдалар.

МАРҲАБО,  
ОЙЛАР СУЛТОНИ!

Рамазон — барча орзикиб ҳаётдан оғир кунларни ҳаромдан тиймас экан, рўзасида очлик ва чанқоқликдан ўзга ажр-мукофот топмайди. Бу ой кўп ва ҳўп фазилатли бўлиб, унда жаннат

ортиқ ҳисобланади. Шу сабабдан, Рамазонда рўза тутиш билан бир қаторда закот ва фитр садақаси каби солиҳ амаллар ҳам бажарилади. Зеро, бу ойда



эшикларини доимий очиб ва жаҳаннам эшикларини ой тугагунга қадар ёпиқ бўлиши ҳақида ривоятлар бор.

Шунингдек, бу ойда қилинган савобли амаллар бошқа ойларга нисбатан бир неча баробар

Пайғамбар алайҳиссаломнинг саховатлари шамолдан ҳам ўзар эди. Шундай экан, ул зотнинг суннатларини тириштириб, саховатпеша бўлиш, қариндош-уруғлар ҳолидан хабар олиш бизларнинг вазифамиздир.

Зеро, бу муборак ойда яқинларимизга силаи-рахм қилиш энг афзал амаллардан ҳисобланади.

Шу қаторда эслатиб ўтиш жоизки, муборак Рамазон ойи оstonасида маҳалла-қўй, масжид ва қабристонларни обод қилиш том маънодаги тайёргарлик бўлади. Мана масжидларимиз обод, ибодат учун барча шарт-шароитлар муҳайё бўлган бу эмин-эркин замонда барча ёмон хулқ-атворлардан воз кечиб, ҳам жисмонан ҳам руҳан покланган ҳолда баракотли ойни кутиб олсак нур устига аёло нур бўлар эди.

Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Ниятимиз — юртимиз тинч, хонадонларимиз обод, касбу қорларимиз сербаракот, ризқларимиз зиёда бўлсин. Бу уч кунлик дунёда солиҳ амалларни ғамлаб, охиратимизга захира қилишга Аллоҳ муваффақият берсин!

Аллоҳ таоло ушбу ойда қилинажак ибодатларимизни ва эзгу амалларимизни даргоҳида қабул айласин, яхши ниятларимиз натижаси ўлароқ, бунданда хайрли ишларга ва солиҳ амалларга ўзи насиб айлсин!

Хайрулла ТУРМАТОВ,  
вилоят бош имом-хатиби

## ТАҚВИМ

| Рамазон кунлари | май-июнь | Ҳафта кунлари | Саҳарлик тугаши | Ифторлик бошланиши |
|-----------------|----------|---------------|-----------------|--------------------|
| 1               | 6        | Душанба       | 03:46           | 19:25              |
| 2               | 7        | Сешанба       | 03:44           | 19:26              |
| 3               | 8        | Чоршанба      | 03:43           | 19:27              |
| 4               | 9        | Пайшанба      | 03:41           | 19:28              |
| 5               | 10       | Жума          | 03:40           | 19:29              |
| 6               | 11       | Шанба         | 03:38           | 19:30              |
| 7               | 12       | Якшанба       | 03:37           | 19:31              |
| 8               | 13       | Душанба       | 03:35           | 19:32              |
| 9               | 14       | Сешанба       | 03:34           | 19:33              |
| 10              | 15       | Чоршанба      | 03:32           | 19:34              |
| 11              | 16       | Пайшанба      | 03:31           | 19:35              |
| 12              | 17       | Жума          | 03:30           | 19:36              |
| 13              | 18       | Шанба         | 03:28           | 19:37              |
| 14              | 19       | Якшанба       | 03:27           | 19:38              |
| 15              | 20       | Душанба       | 03:25           | 19:39              |
| 16              | 21       | Сешанба       | 03:24           | 19:40              |
| 17              | 22       | Чоршанба      | 03:23           | 19:41              |
| 18              | 23       | Пайшанба      | 03:22           | 19:42              |
| 19              | 24       | Жума          | 03:21           | 19:43              |
| 20              | 25       | Шанба         | 03:19           | 19:44              |
| 21              | 26       | Якшанба       | 03:18           | 19:44              |
| 22              | 27       | Душанба       | 03:17           | 19:45              |
| 23              | 28       | Сешанба       | 03:16           | 19:46              |
| 24              | 29       | Чоршанба      | 03:16           | 19:47              |
| 25              | 30       | Пайшанба      | 03:15           | 19:47              |
| 26              | 31       | Жума          | 03:14           | 19:49              |
| 27              | 1        | Шанба         | 03:13           | 19:49              |
| 28              | 2        | Якшанба       | 03:12           | 19:50              |
| 29              | 3        | Душанба       | 03:11           | 19:50              |
| 30              | 4        | Сешанба       | 03:10           | 19:51              |

## Рўза тутиш (оғиз ёпиш) дуоси

Навайту ан асума совма шаҳри рамазона минал фаҳри илал мағриби, холисан лиллаҳи таъала. Аллоҳу акбар.

## Ифторлик (оғиз очиш) дуоси

Аллоҳумма лака сумту ва бика аманту ва 'ала ризқиқа афтарту, фағфирли я гоффарума қоддамту ва ма аххорту.

## Ёшлар ижодидан

ШОШИЛАЁТГАН  
ЙЎЛОВЧИ

Мен Содиқ амакини яхши танийман. Қўшни қишлоқда туради. Анча эскириб қолган енгил машинасида киракашлик қилиб, тирикчилик ўтказди. Қишлоқдан туман марказига қатнайди. Жуда ширинсўз одам, йўловчиларни асло зериқтириб қўймайди. Истаган манзилингизгача олиб бориб, ҳолатингизни чиқаради.

Бугун ҳам буюмларниқига бориш учун йўлга чиқсам, бекатда шу амаки турган экан. Саломлашиб, машинага ўтирдим. Машина ичидаги икки аёл ҳеч нарсасига парво қилмай, бир-бирига гап бермайдилар. Улардан бири тўйга кетаяпти шекилли, қўлида катта дастурхон. Жаврашдан тинмайди. Гап орасида ҳайдовчи амакига кеч қола-



ётганлигини, тезроқ ҳайдашни қистириб қўяди.

Қўшни қишлоқнинг чорраҳасидан бурилган эдик, тобут кўтариб келаётган тумонат одамларга дуч келдик. Содиқ амаки машинасини секин йўл бўйига тўхтатди: "Мен ҳозир" дея эшикни очиб, тушиб кетди. Тўйга шошилаётган аёл жиғибйирони чиқиб: "Эй, қаёққа?" деганча қолаверди. Кузатиб турибман, амаки машинадан тушган заҳоти оломон ичига кириб, тобутни елкасига олди. Бир оз юргач, бошқаларга бериб, сирғалиб четга чиқди. То тобут кўтарганлар ўтиб кетгунча кутиб турди. Сўнг секин келиб, маҳзун қиёфада машинага ўтирди.

— Танишларингизданими? — сўради ҳалиги аёл.  
— Таниш бўлиши шартми, — шундай деб бир оз сукут сақлади Содиқ амаки, кейин аста салмоқлаб сўзида давом этди:

— Мусулмончиликнинг одоби, қондаси шунақа. Ота-боболаримиздан қолган бу удумни нахотки билмасангиз, синглим? Ўн тўрт ёшимда бу ҳақда бобом раҳматлидан сабоқ олганман. Ҳар бир инсон, кўчада кетаётган йўловчи ким бўлишидан қатъи назар, ўтаётган тобутни етти қадам кўтариб, кузатиш лозим. Бунга қурби етмаганлар ёки аёллар тобутга йўл бўшатиб, хоҳ оловда, хоҳ пиёда бўлсин марҳумнинг ҳақиға дуо қилиши жоиз. Ҳаммамизни ҳам эл-юрт бир кунни сўнгги манзилга шундай кузатиб қўяди.

Бу гап менга жуда қаттиқ таъсир қилди. Чунки, бунини билмасдим. Шу тобора Содиқ амакига меҳрим янада товланиб кетди. Бидирлаб, гап бермасдан тўйга шошаётган аёл эса манзилга етгунча чурқ этмади...

Сарвина ЖЎРАБОВА,  
Бекобод туманидаги 54-умумтаълим  
мактабининг 10-синф ўқувчиси

9 май — Хотира ва  
Қадрлаш куни

Иккинчи жаҳон урушининг оловли жангҳоқларидан омон қайтган, фронт ортида оғир кунларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли синовларда ўзлигини йўқотмаган, имони бутун аждодларимизга меҳр-оқибат кўрсатиш, уларни хотирлаш том маънода эзгу анъанага айланган.

Уруш ва меҳнат фахрийси Рихсиҳўжа Қодиров ҳам ўзидан фақат яхши ном, яхши из қолдирган фидойи инсон эди.

## ОДАМИЙЛИК САБОҒИ

1939 йили Рихсиҳўжа Қодиров ҳарбий хизматга қаҳирланди. У Иккинчи жаҳон уруши арафасида Туркменистонда аскарлик бурчини ўтаётган эди. Орадан кўп ўтмай, у хизмат қилаётган қисм Калинин фронтига юборилди. Икки йиллик ҳарбий тайёргарликдан ўтган жангчи Қодировни миномёт батареяси командири этиб тайинлашди. Унинг батареяси Великие Луки шаҳри ва темирйўл бекати учун бўлган оғир жангларда 270-отлик полк таркибида қатнашди, фашистларнинг ҳарбий техникасига катта талафот етказди. Ундаги ватанпарварлик, қолаверса, жанг қилиш маҳоратини кўрган қўмондонлик Рихиси Қодировни фронт яқинидаги офицерлар мактабига ўқишга юборди. Ҳарбий мактабда машғулотларни аёло даражада ўзлаштиргани учун унга офицер унвони берилди ва мураббий қилиб олиб

қолинди.

Шу тариқа, у урушнинг сўнгги кунигача шу билим юртида офицерларни қайта тайёрлаш, уларни энг янги ҳарбий техника билан мукамал таништириш, сиёсий ва ҳарбий билим савиясини ошириш билан шуғулланди.

1946 йили Рихсиҳўжа Қодиров кўксини жанговар орден ва медалларга тўлдириб, Тошкентга қайтди. Бу вақтда қишлоқ ҳўжалигини етук ҳодимлар билан мустақамлаш учун умумий сафарбарлик бошланган эди. Рихси Қодиров бу ташаббусга қўшилиб, Оққўрғон туманига отланди. Уни "Оққўрғон" давлат ҳўжалиги фирқа ташкилоти котиби этиб сайлашди. У дастлабки кунданок ташкилий-тарбиявий ишларни жонлангича ижро қилди. Ташаббускорлиги, меҳнатқашлиги сабабли эл ҳўрматиға сазовор бўлди. Кўп ўтмай Пискент тумани

фирқа ташкилоти котиби, кейинчалик Бўка тумани ижроқўми раислигига сайланди.

Уша пайтда Бўка тумани янги ташкил этилган эди. Бир томони Сирдарё соҳилига, иккинчи томони эса Пискент адирларига туташиб кетган воҳода иш жуда қизгин тус олди. Қисқа муддатда бу ерларда "Кўкорол", "Баҳмал", "Гулистон", "Навбахор" каби жамоа ва давлат ҳўжаликлари бунёд этилиб, кўркам, обод қишлоқлар қад кўтарди.

Чорак асрдан зиёд бир жойда раҳбарлик лавозимида ишлаш осон эмас. Тиниб-тинчимас Рихси ака оддий халқнинг фикри-ўйи, орзу-умидлари, армонлари билан ҳамнафас яшади. Қишлоқларни ободонлаштириш, аҳоли турмуш шароитини яхшилашни ўзининг бурчи деб билди. Бу борада бор билим ва тажрибасини ишга солди. Туманда 30 минг гектар кўриқ ерлар экин

майdonларига айлангизилди. Бир вақтлар кичкина, кўрмисиз қишлоқ бўлган Бўка кўркам ҳудудга айланди.

Р. Қодиров қаерда, қандай лавозимда ишласин, ёшларга ҳамиша тўғрилиқ, меҳнатсеварлик, одаимийлик сабоғини ўргатиб, ўзи бу борада шахсий намуна кўрсатди. Унинг фронт ва фронт ортида қилган ишлари муносиб қадрланиб, орден ва медаллар билан тақдирланган. Энг муҳими, унинг яхши амалларини одамлар ҳўрмат билан хотирлашадди.

Дарҳақиқат, ғалабанинг 74 йиллиги нишонланаётган шу кунларда фахрийларимизни ёдга олиш, уларнинг хотирасига ҳўрмат кўрсатиш барчамизнинг бурчимиз. Зеро, аждодларни хотирлаш — муқаддас қадриятдир.

Искандар РАҲМОН,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси

## Тўйгу

Юз-кўзида чексиз қайғу-ҳасрат ёғилиб турган Мотамсаро она ҳайкалини кўрганимда: "Нега мунчалар мунгли?" дея ўйлаб қоламан.

Чамаси бу саволга жавоб топгандекман. Уруш азоблари, укубатларини ҳеч ким оналарчалик кўрмаган, ҳис этмаган бўлса керак. Кўни билан куёш тандирдек қиздирган далаларда меҳнат қилиб, кечаси гўдаги тепасида парвона бўлиш, шунда ҳам олис жангҳоқларда қон кечиб юрган ёрининг, фарзандининг ҳақиға дуо қилиб, уни интизорлик билан кутиш аёллардан қанчалар матонат, чидам ва бардош талаб этган. Шунинг учун бўлса керак, "Хотира ва Қадрлаш куни"да мунгли она ҳайка-

ли пойи анвойи гулларга тўлиб кетади. Ойназор гулларга маънос бокиб: "Одамлар, ҳушёр бўлинглар, уруш отлиг жаҳаннам фаровон ҳаётингизга чанг солмасин, оналар кўзёш тўкмасин, гуллар билан уларни ҳар кунни йўқлаб туринг", деяётгандек бўлаверади...

Мотамсаро она ҳайкали пойида мангу олов ёниб туришининг қандай рамзий маънос бор?

У халқимиз қаҳрамонлиги тимсоли аслида! Балки, Ватан учун жон тиккан инсонларнинг юрак тафтидир?!

Мангу олов олдида бир зум,  
Ўйга толиб турибман сокин.  
Гулхан ёнар билмайин тўзим  
Ловуллаиди, олмас сира тин.

Гулхан ёнар гўёки ерининг,  
Туб-тубидан чиқар ловуллаб.

Бука олмас бардошин унинг,  
Кучли бўрон, ҳатто довуллаб.

Мангу олов — қаҳрамон халқим.  
Ватан учун жон тиккан инсон.  
Одамларни бало, офатдан,  
Қалқон бўлиб сақлайди ҳамон.

Азиза ҲУСАНОВА



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ  
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Бош муҳаррир

Ғайрат  
ШЕРАЛИЕВ

Муассис:  
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Ҳафтанинг

чоршанба ва шанба

кунлари чиқади.

Электрон

почталар:  
thaqiqat@mail.uz

th-tp@inbox.ru

Қабулхона:

Бош муҳаррир ўринбосари:

Масъул котиб:

Бўлим муҳаррирлари

Шартнома ва эълонлар:

Ҳисоб-китоб бўлими:

Телефонлар:

71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс)

71 233-70-10

71 233-90-82

71 233-38-23, 71 233-48-08

71 233-65-59

71 233-54-10

Тошкент вилояти  
Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар бошқармасида  
2011 йил 12 январда 03-001 рақами  
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тахририяти компьютер марказида  
терида ва Тоҳир Маҳмудхўжаев  
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

Назоратчи мусаҳҳиф

Аллома АЗИЗОВА

Навбатчи

Эрали НОРБЕКОВ

Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Буюртма V-3358. Баҳоси келишилган нархда. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 7 590 нусхада чоп этилди.

ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмаҳонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 21.00. Босишга топширилди — 23.10.